
КИМ ҲАҚ, КИМ НОҲАҚ ЭКАНЛИГИНИ СУД ҲАЛ ЭТАДИ

Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган “Google барчасини фош қилди: Риштонлик тадбиркор муаммоси” номли мақола юзасидан Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати қуийдагиларни маълум қилади.

Риштонлик тадбиркор Бахтиёр Йўлдошев ва фермер Илёс Назаров ўртасидаги можаро бир неча ийлдан бери давом этмоқда. Айни дамда бу ҳолат юзасидан текширув ишлари давом этмоқда. Маълум бўлишича, ушбу ишни қонуний ҳал этиб бериш учун судга мурожаат қилинган. 27 апрель куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари томонидан якуний қарорни эълон қилинади.

Айтиш жоизки, бундан бир неча ой олдин бўлиб ўтган суд мажлисида қонун фермер томонида эканлигини ойдинлашган ва иш “Отахонбой ерлари” фермер хўжалиги фойдасига ҳал бўлган эди. Лекин суд қароридан норози бўлган Бахтиёр Йўлдошев қайта ариза билан мурожаат қилган.

2021-04-22 08:23:31